

УЛАР МИЛЛАТ ВА ЮРТ ФИДОЙИСИ ЭДИЛАР

Донохон Шайхитдинова

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
“Хотира ва қадрлаш” бўлими мудири*

Гўзал Ўзбекистонимизнинг обод ва озод қилиш мақсадида ўтган авлод-аждодларимизнинг айниқса, мустақиллик учун курашган ота боболаримизни хизматлари беқиёс.

Ҳожимирза Бобоназаров



Ҳожимирза Бобоназаров 1901 йилда Шўркўрғон қишлоғида туғилган бўлиб 6 ойликда онадан, 6 ёшда отадан етим қолиб, холалари (яни оналарининг сингиллари) поччалари қўлида дехқончиликка қаршиб ёшлиқданок пода боқишиб бўз тўқиб, оилада дастёрлик қилиб етимликнинг азобларини обдон тортган. У вақтлардаги етимлик ойнадай равшан, осон бўлмаган. Ўзи битта нонни зўрға топиб бир аммалаб кун ўтказиб турган оилага боқим бўлиш жабрини роса тортган.

Гох оч гох тўқ кун ўтказиб кишилар эшигида яшаш ёш Ҳожимирзани чиниқтирган. Шоир Ғофур Ғулом кейинчалик ёзганларидай

... Етимлик нимадир

бизлардан сўра
Ўнинчи йилларнинг
саргардонлиги
Истима аралаш
қўрқинч туш каби
Хаёл кўзгусидан
ўчмайди сира
Мен етим ўтганман
ох бу етимлик
Вой бечора жоним
десам арзийди

1917 йилгача ўтган сарсон – саргардонлик даврида эски илмдан хабардор бўлиш учун курашган. Тенгдошлари – Мулла Усмон Кўзибоев, Мулла Хусанбой буваларнинг хикоя қилишларича, Ҳожимирза жуда ҳам қобилиятли ёддош киши бўлган эди - деб эслайдилар Мулла Усмон ота билан Хусанбой бува, - Биз мадрасада бирга ўқиганмиз. Тожихон Махсум почча домламиз эдилар. Ҳожимирза домланинг дарсида бўлардилар холос. Бизлар кечгача такрор - такрор дарс тайёрлар эдик. У фақат дарс пайтидагина эшитиб тушликдан сўнг аллақаяққа ғойиб бўлар эди. Эртаси кун кеча ўтилган дарсни ким айтади деб сўрасалар биринчи бўлиб жавоб берар эди. Бу воқеага биз ҳам хайрон, домламиз ҳам хайрон қолар эдилар. Кейинчалик маълум бўлишича Ҳожимирза эрталабдан

туш пайтигача мадрасада ўқиб кечга бориб рус тузем мактабида таълим олар экан.

1919 – 1920 йилларда Ҳожимирза ҳам мадрасада, ҳам рус тилида тахсил кўрар ва кечаси билан Намангансой жарликларида ўрнатилган тегирмончилар тегирмонига бориб қарашиб, сабаби тирикчилик қилиб ўқиганлар ва рус тилида равон гаплаша олган. Наманган шаҳар раҳбари Шоҳимардонов Ҳожимирзани чақириб , - ўз қишлоғингизга бориб қишлоқ одамлари ва ўртоқларингизни тўплаб, артель тузиб ўзлашмаган ерларни ўзлаштириб дехқончилик қилсангиз, биз ҳам кўмак берамиз, дейди. Бу инсон яна туғилган қишлоғи Шўркўрғонга қайтдилар ва камбағал дўстларини тўплаб улар билан маслаҳатлашиб артель тузишга маслаҳат қилдилар. Ер, сувга ташна дўстлари уни қўллаб қувватлашди ва аввал 9 киши, беш олти кун ўтгач 30 киши, йил ўрталарига бориб 126 киши тўпланиб артель туздилар бу артель аъзолари Норин дарё бўйи оролидан ер очиб дехқончилик қила бошладилар. (Шўркўрғон ва Чўжа қишлоқлари ўртасида). Тез орада Ҳожимирзанинг ишчанлиги ва ташаббускорлигини инобатга олиб 1924 йилдан қишлоқ батрақлар уюшмаси ҳамда қишлоқ совети ижроия комитетлари лавозимини бошқаришга тайинланди. Шу даврда қишлоғда мактаб очилди. Ҳожимирза шу мактабни жонкуяр ташкилотчиларидан бири бўлдилар. 1925 баҳори қутлуғ келди. Хўжалик дастлаб 40 гектар чамаси ер очиб пахта, маккажўхори, полиз экинлари сабзавот етиштирдилар. Ушбу меҳнатларини инобатга олиб 1925 йилда Умумўзбек I-съезидига делегат бўлди ва съезде президиум аъзолигига сайланди.



Суратда 1925 йилда бўлиб ўтган умумўзбек I-съезиди Х.Бобоназаров (чапдан иккинчи), М.И.Калинин, А.Икрамов, Файзулла Хўжаевлар билан I-съезиди президиумида.

1931 йил Ҳожимирза Бобоназаров Андижонда, сўнг Фарғонада хизмат вазифаларини бажарди.

1932 йилнинг охирида Республика ер халқ комиссарлигининг пахтачилик бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди.

1933 йил Яккабоғ туманида ижрокўм раиси

1934 – 1935 йилларда Каттақўрғон туманида ижрокўм раиси

1936 йилда Ўрта зарафшон сув бошқарув системасига бошлиқ қилиб юборилди.

1936 йилда Мирзачўлни ўзлаштиришда Йўлдош Охунбобоев билан янги ерларни ўзлаштиришда фаол қатнашди.

1937 йил баҳорида соғлигини йўқотиб ўз илтимосига кўра туғилган қишлоғига юборилдилар. Касалманд ҳолатда тиниб тинчимас фазилатли бўлганидан у қишлоқда яна ишга киришиб кетдилар. Қишлоқ совети раислиги даврида Шўрқўрғон Бешкапа йўли, кўплаб маданий – маиший бинолар, 8 ўрта мактаб биноси бунёд этилади.

1937 йил қаҳратон қишли қировли кунларнинг бирида қабих ниятли ғаламис кимсалар келиб олиб кетишди. Шунда кетиш олдидан айтади; - Вақтлар келади бизни қилган ишларимиз хато эмаслигини одамлар тушунишади, эл манфаатлари, юрт озодлиги учун қилган ишларимизни ҳис қиладилар. Ўғлимизни эҳтиёт қил! эҳтиёт қил! эҳтиёт қил! деб машинага чиқади ва қатағон қурбони бўлади. Ҳалол меҳнат қилган, халқ бахти учун курашган инсонлар эл ёдида яшар экан. Хожимирза Бобоназаров номи эл тилида ва дилида. Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қатағонлик Наманганликлар тақдирида. Илмий рисола . Наманган – 2014.
2. Биринчи раис. "Ибрат" газетаси. 15.04.2020 йил
3. Юрт фидойиси. "Истиклол" газетаси. 15.08.2021 йил.